Рес. книжная палата УзССР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 4 апрель, сешанба №41 (21.804.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН — МОЛДОВА:

ҲАМКОРЛИК ЧОРРАҲАЛАРИДА

Илгари хабар қилинганидек, республикамиз Президенти Ислом Каримов Президент Мирча Снегур таклифига биноан 30-31 март кунлари Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди.

Кўтаринки руҳда ўтган сафарнинг дастлабки куни икки мамлакат раҳбарлари ўзаро музокаралар ўтказдилар.

Музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасида дўстона ҳамкорлик, эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Республикамиз Президенти шу куни кечқурун давлат тантаналари саройида Молдова халқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, ишбилармонлар билан учрашди.

— Халқларимиз дўстлиги азалийдир, — деди юртбошимиз — Ўзбекистон халқи Тошкент зилзиласидан сўнг ташвишимизга шерик бўлган Молдова халқининг дўстона ёрдамларини унутган эмас. Бугун биз мустақил Ўзбекистон номидан эски дўстлик ришталарини янгидан мустаҳкамроқ боғлаш учун бу ерга келдик. Ўйлайманки, ҳозиргина имзолаган ҳужжатларимиз собиқ иттифоқ таназзулидан сўнг издан чиққан алоқаларимизнинг янги иқтисодий шароит талаби асосида тикланишига ҳуқуқий кафолат бўлиб, икки мустақил давлат халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Президентимиз ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганида залда жонланиш сезилди. Самимий мулоқот бошланди. Тираспол ип газлама корхонасининг бош директори ўринбосари Тенченко юртбошимизга мурожаат қилиб, жамоаси тўрт ойдан буён ишсизлигини, Ўзбекистон пахтасига умид билан кўз тикаётганини айтди. Шу соҳанинг бошқа бир вакиласи эса мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик Молдованинг ижтимоий муаммолари ҳал бўлишига кўмаклашишини таъкидлади.

Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур республикамиз Президентининг расмий ташрифи муносабати билан берган баёнотида Молдова халқи, Молдова ҳукумати мазкур ташриф натижаларига катта умид боғлаётганини изҳор қилди. Фурсат топиб Президент Мирча Снегурдан Ўзбекистон Республикасидаги туб ўзгаришлар, жумладан, республикамиз Президенти ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ҳақида ўтказилган умумхалқ Референдуми тўғрисида фикрини сўрадик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Республикаси Президенти М. Снегур ўртасидаги суҳбат пайти.

— Биз, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётганидан хабардормиз, — деди М. Снегур. — Мамлакатингизда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилаётгани, бу даврда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олингани ибратлидир. Сўнгги пайтда Марказий Осиё минтақасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва халқаро доираларда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли ниҳоятда тўғри ва одилона йўл экани хусусида фикрлар билдирилмоқда.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Республикангизда яқин келажакда галла мустақиллигига эришиш учун пухта замин ҳозирланганини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Референдум масаласига келсак, Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримовнинг ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатини, мамлакатда осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб тўғри қилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Халқ хўжалигини бозор муносабатлари талаблари даражасида қайта шакллантиришда юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоялар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга катта эътибор берилмоқда, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Айни пайтда республикамизда қўшма корхоналарнинг сони кўпаймоқда. Уларнинг дастлабки маҳсулотлари мамлакатимиз халқига манзур бўла бошлади.

Бугунги кунда республикамиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортмоқда. Молдова Республикасининг улар сафидан ўрин олгани Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганидан дарак беради. Маълумки, Молдовада ишлаб чиқарилаётган шакар, дори-дармон, қишлоқ хўжалиги техникаси, электр-техника асбоб-ускуналари, суғоришда фойдаланиладиган насосларга республикамизда эҳтиёж бор.

Молдова саноати равнақи эса кўп жиҳатдан Ўзбекистон пахтасига, кимёвий тола, қаттиқ металларга, боғлиқ.

Бу икки томонлама ҳамкорликни тақозо этади.

Сафарнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Молдова Республикаси парламенти раиси П. Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда икки мамлакат парламентларароо алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу куни республикамиз Президенти Молдова Республикаси Президенти ҳамроҳлигида Кракова шаҳридаги Вино-шампан ичимликлари корхонасини бориб кўрди.

Самарали ўтган сафар Кишинёв аэропортида республикамиз Президенти Ислом Каримовга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган тантанали кузатиш маросими билан якунланди. Президентимизга Молдова сафарида Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б.Шодиева, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Ўктам МИРЗАЁР,
(ЎзА).

Тошкент-Кишинёв-Тошкент.

Президентлар И. Каримов ва М. Снегурнинг тармоқлар, йирик корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар билан учрашуви пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент!

Қадрли қардошим Ислом Каримов жаноблари!

1995 йил 26 март куни ўтказилган Референдумда президентлик муддатингизнинг 2000 йилга қадар узайтирилганлигини эшитиб беҳад мамнун бўлдим.

Ўзбек халқининг бу қарори давлатнинг келажаги ва бошланган ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилиши учун шарофатли бўлишига ишончим комиллигини билдириб, Сиз зоти олийларини энг самимий туйғуларим ила қутлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз зоти олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлиқ-саломатлик, фаровонлик ва бахт тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Ўзбекистонда ўтказилган умумхалқ Референдуми натижаларига мувофиқ президентлик ваколатларингиз муддати 2000 йилга қадар узайтирилгани муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ҳозирги пайтда Сиз жаҳон ҳамжамиятининг назарида ҳақли равишда қардош Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий фаровонлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолати ҳисобланасиз.

Сизнинг минтақамиздаги мамлакатлар билан яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишга ва қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланган пухта ўйланган доно сиёсатингиз туфайли Ўзбекистоннинг тарихий сиёсий-жуғрофий мавқеи ушбу давлатлар томонидан эътироф этилди ва ҳурмат қозонди. Ўзбекистон сўзсиз равишда минтақада етакчи ўринни эгаллаб турибди ва бутун Марказий Осиёда умумий вазиятни ҳал қилувчи даражада белгилаб бермоқда. Асосий мақсади тинчлик, дўстлик ва бунёдкорликдан иборат кишининг давлат бошида бўлгани ва бундан буён ҳам давлат бошлиги бўлиб қолаётганидан хурсандман.

Референдумдаги катта ғалаба билан яна бир бор табриклашга ҳамда Сизга, қариндош-уруғларингиз ва яқинларингизга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилашга рухсат этгайсиз.

Зўр ҳурмат билан,

Медетхон ШЕРИМҚУЛОВ,
Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши Тўра Оғаси.

ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог шу йилнинг 11—13 апрель кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади.

/ЎзА/.

СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш ўтказди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, деҳқончилик мажмуи ходимлари, барча хўжалик раҳбарлари, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашда шу куннинг долзарб вазифалари — чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олиш, ғаллачиликни ривожлантиришда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, ғаллани қисқа муддатда нестнобуд қилмасдан ўриб олиш ва бушайдиган майдонларга такрорий экинлар экиш чора-тадбирлари ҳақидаги масалалар кўрилди. Шунингдек, эртанги сабзавот, озуқабоп экинлар экишнинг бориши, боғ ва токзорлар барпо қилиш ва уларни парваришлаш, аҳолини картошка билан таъминлашни яхшилаш борасида қилинаётган ишлар муҳокама этилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича республика қишлоқ хўжалик вазири Р. Ҳусанов ва «Узқишхўжатаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси раиси Т. Жабборов ахборот берди. Кенгашда баҳорги ишларнинг бориши ҳақида ва чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Кенгаш қатнашчилари бу йилги об-ҳаво шароитини, намгарчиликнинг кам бўлишини ҳисобга олган ҳолда жанубий минтақаларда чигит экишни 13—16 апрелгача, ўрта минтақаларда 18—20 апрелгача ва шимолий минтақаларда 25—30 апрелгача тугатиш юзасидан келишиб олдилар. Шунингдек, бошоқли дон экинларининг ривожланиши ўтган йилга нисбатан 10—12 кун эрталигини ҳисобга олиб комбайнларни узоғи билан 20 майгача таъмирлаб, ўрим ишларини 20—25 кун ичида тугатиш чора-тадбирларини кўриш ва ғалладан бўшаган ерларга пешма-пеш сабзавот, картошка, мош, тариқ, соя, маккажўхори, жанубий минтақаларда эса тезпишар ғўза навларидан экишга қарор қилинди.

Кенгаш ишида республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Шарифхўжаев, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Президент Ислом Каримов 3 апрель куни Тожикистон Ислом уйғониш ҳаракати раисининг ўринбосари А. Туражонзода, Тожикистон демократик кучларни мувофиқлаштириш марказининг раиси О. Латифий ҳамда Тожикистон Демократик партияси раисининг ўринбосари Х. Холиқназаровни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари, Тожикистон атрофида юз бераётган вазият ҳамда бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Иккала томон ҳам Тожикистондаги оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган тазйиқларсиз, ўзаро келишув йўли билангина чиқиш мумкинлигини таъкидлади.

Мамлакатнинг ҳозирги мураккаб иқтисодий ва сиёсий ҳолатида бир-бирига қарамақарши турган томонлар, деди Ислом Каримов, можаро сабабларини аниқлаш, ҳар ким ўзининг қанчалик ҳақлиги ва бошқаларнинг айби нимадан иборат эканини аниқлаш билан шуғулланмасдан, юз берган фожиали воқеалар даврида оғир қийинчиликларни бошидан кечирган ва фақат тинчлик ва бунёдкорлик меҳнатини орзу қилаётган оддий фуқароларнинг фикрига қулоқ солиш керак.

Биз Тожикистон масаласи тезроқ ҳал этилишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдормиз ва тинчлик жараёнига, Тожикистон ҳукумати билан муҳолифат ўртасидаги мулоқотни изчиллик билан амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрмиз, деди Президент.

Ислом Каримов муҳолифатни улкан ва ҳаёт ва мақсадга эришишнинг ҳарбий, жангарилик усулларидан воз кечишга чақирди. Чунки, бундай усуллар тожик миллати, Тожикистон халқининг манфаатларига мутлақо мос эмас.

Минтақа мамлакатлари, МДҲга аъзо бўлган давлатлар ва шўбқасиз, БМТ ҳамда ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар тинчлик жараёнига катта ҳисса қўшишлари мумкин эди, деб алоҳида таъкидлади Президент. Учрашув иштирокчилари Тожикистондаги миллатлараро мулоқотни бутун Тожикистон жамоатчилиги манфаатларини ҳисобга олиб, амалий руҳда давом эттиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

АЁЛ ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

-- Донолар таъбирича, хотин-қизларга бўлган муносабат ҳар бир давлатнинг нуфузини белгиларкан. Бухоро тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Зебо Эгамбердиевага «Аёлларнинг туман ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тутган ўрни қандай?» — дея мурожаат этдик.

— Туманимизда йигирма мингдан зиёд аёл турли соҳаларда ишлашяпти, улар мустақилликни мустаҳкамлаш, ноз-неъмат тўкинлиги, ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этишяпти.

Тадбиркор аёлларга шароит яратиб берганмиз. Аёлларимиздан олти нафари фермер. Хусусийлашган боғ-роғлардан 75 таси аёлларимиз тасарруфида. Уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Бунда асосан жойлардаги кенгашларга таянамиз. «Бухоро», Усмон Юсупов номли, Файзулла Аллаев номидаги, «Маданият» жамоа хўжаликлари хотин-қизлар кенгашлари (раислари Мунаввар Аҳмедова, Шарофат Тоғаева, Адолат Жамилова, Норгул Рўзиева) аёллар ташвиши-ю қувончлари билан яшайдилар. «Чорбакир», «Маданият», «Бухоро», Асад Шокиров номидаги жамоа хўжаликларида ҳомиладор аёллар 5 ойликдан нафақага чиқарилмоқда. «Маданият», Соли Ёдгоров номли жамоа хўжаликларида хотин-қизлар оғир юмушлардан халос этилиб, беш кунлик иш куни жорий этилган.

Хотин-қизларга ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш ҳам эътиборимизда. Биргина ўтган йили 330 иш жойи ташкил этилиб, 153 аёл ишга жойлаштирилди. 33 аёл «Хизмат», «Салом» кичик корхоналарида қайта ўқитилди. Шу йилнинг ўтган ойида 22 нафар аёлга иш жойи яратилди. Бунга биз қишлоққа саноатни олиб кириш эвазига эришяпмиз.

Аёлларни бозор иқтисодиёти қийинчиликлардан муҳофаза этишга ҳам эътибор кучайтириляпти. Тумандаги 1509 ҳам таъминланган оилага шу йилнинг икки ойида 7 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

— Оилани маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ота-она, фарзандлар бурчини тўла шакллантириш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

— Хусусан, аёл қадри, унинг оила ва жамиятда тутган ўрни юзасидан турли тадбирлар ўтказиляпти. Тошбиби Қурбонова, Руқия Мирхонова, Муҳаббат Саъдуллаева сингари обрўли оила бекалари тимсолида тарбиявий тадбирларни ўтказдик. Туман маданият уйида «Энг лобар аёл» кўрик-танловини ўтказганимизда «Нилуфар» болалар боғчаси тарбиячиси Махсума Шодмонова биринчи ўринни олди. Унинг тимсолида аёл — она, аёл — вафодор ёр, аёл — ишлаб чиқариш илғори эканлиги ибрат қилиб кўрсатилди.

Афсуски, ҳамма аёлларни ҳам фаришта, деб бўлмайди. Гуруч курмаксиз бўлмагани каби орамизда оналик, аёллик бурчини унутиб, енгилтаклик йўлига кириб кетганлар ҳам топилади. Жумладан Ғалаосиё шаҳрида яшовчи Олима Ҳайитова, Муҳаббат Ҳамидовалар 2—3 нафар фарзандини, оиласини ташлаб, кетганликлари учун оналик ҳуқуқидан маҳрум этилдилар.

— Сиз бугуннинг аёлини қандай тасаввур этасиз?

— Тангрига минг шукрки, мустақилликка эришдик, қадриятларимиз қайта тикланди, тилимиз, динимизга эгамиз. Яқинда республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ватанимизнинг мустақил, озод фуқароси сифатида ўзимиздаги барча хислатларни — ибо, ҳаё, иқтидор, вафо, садоқат, меҳнатсеварликни тўла намоён этиб, қутлуғ ишларга ҳисса қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳаётга зийрак, теран ақл билан боққан аёлгина Ватан равнақига дахлдор эканлигини сезади. Бугуннинг аёли қиёфаси ҳам, илинжи ҳам яхшиликка йўғрилган ҳолда намоён бўлишини истардим.

Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАБ...

Пахтаобод туман кенгаши Андижон вилоятидаги етакчи партия ташкилотларининг бири. 84 та бошланғич партия ташкилоти 2400 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган. Туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кўпгина соҳаларида фаол иштирок этаётган партия аъзолари Президентимиз Фармонлари ва қарорларини изчил амалга оширишда бошқаларга намуна бўлишмоқда. Янгича анъана ва расм-русумлар ҳаётга кенг тадбиқ этиляпти.

Биринчи котиб Ҳаётилла Саидов Пахтаобод шаҳар ҳокими этиб тайинланди. Илгари иккинчи котиб бўлиб ишлаб келаётган Муроджон Ғуломов туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Биз ёш партия етакчиси билан суҳбатлашдик.

— Биринчи котиб, сизнингча, қандай бўлиши керак?

— Чуқур билим ва юқори малака эгаси бўлиши зарур. Бу фазилатлар унинг фаолиятини анча бойитади. Иш кунларимиз кўпроқ меҳнат жамоаларида ўтади. Одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг кайфият ва руҳиятига кириб борамиз. Бу хонада ўтириб иш юритишдан анча мароқли. Қолаверса, теварак-атрофдагилар сени ўз хузур-ҳаловатингдан кечиб, ўзгалар ташвишида яшаётганингни кўриб, билиб туришади. Ана шундай даражага чиқиш учун юқоридагидек фазилатлар жуда-жуда қўл келади. Одамлар сен билан амалингга қараб эмас, ишингга қараб муносабатда бўладилар. Ҳар бир қадамингни ўлчаб баҳо бериб боришади. Агар, улар ортингдан эргашса, бу албатта сенинг ютуғинг.

— Пахтаободда Ҳаётилла ака кўп яхши ишларни амалга оширди. Бу ерда ҳатто бутун жамоа билан партия сафига ўтганлар бор...

— Ҳа, у киши одамлар билан ишлашни яхши билади. Уларни ўз мақсадларига ишонтира олгани учун ҳам шундай бўлган. Саидов ўрганса арзийдиган бой тажрибага эга. Шаҳар ҳокими бўлса ҳам биздан ўз ёрдамини аямаяпти. Шунинг учун ҳам туман кенгаши ижроия бюроси аъзолигида қолди.

— Галдаги вазифалар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Бошланғич ташкилотларда партия ишларини жонлантириш керак. Яқинда туман марказий шифохонаси, газлаштириш идораси, ижтимоий таъминот бўлимидан 25 кишини ХДП сафига қабул қилдик. Бу ташкилот ва муассасаларда яхши, ишчан мутахассислар ҳисобига партия сафлари сон ва сифат жиҳатидан ўсиб, мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда Пахтаобод пойабзал фабрикаси, 14-қурилиш ташкилоти, шағал саралаш заводи ва тикувчилик цехида партияга қабул ишлари ўлда-жўлда. Бу жамоаларнинг бошланғич партия ташкилотлари ишини мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш шу кеча-кундузда олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Шунингдек, юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми қарорлари ҳали тинимсиз иш олиб боришга даъват этади.

Суҳбатдош: Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕЖАЛАР АМАЛДА

Чироқчи туманидаги «Қалқама» ширкат-жамоа хўжалиги бошланғич ташкилотида 200 нафардан ошиқ ХДП аъзоси бор. Бошланғич ташкилот хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам бош-қош бўлмоқда. Мутахассисларнинг иқтисодий ўқувлари ташкил этилган.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам партия ташкилоти диққат марказида.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш режалари амалга оширилмоқда. Хўжалик ҳудудида Тарағай қишлоғи Амир Темур номидаги ғор бўлганлиги сабабли соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги тўйи олдидан вилоят миқёсида «Амир Темур қадамжолари» мавзуида илмий-назарий кенгаш ўтказиш режалаштирилган.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекстон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши Сиёб тумани раҳбар партия аъзоларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг маънавий камолотига шароит яратиш борасидаги фаолиятини маъқуллади.

Мазкур масаланинг партия кенгаши ижроия бюросида кўриб чиқилиши бежиз эмас. Чунки Сиёб туманида кейинги пайтда мазкур соҳада хайрли ишлар амалга оширилятпи.

Сиёбда юздан ортиқ маҳаллалар тузилган. Уларнинг барчасида ХДП бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, уларда олиб борилаётган тадбирлар алоҳида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бултур Мирзо Улуғбекнинг 600, Уста Умар Жўрақуловнинг 100 йиллик юбилейлари ўтказилди. Шоир, маърифатпарвар Гулханийнинг уй-музейи очилди, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 120 йиллиги олдидан бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Уларнинг барчасини ташкил этиш ва намунали ўтказиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Бугунги кунда туман худудида кам даромадли оилалар ва ёлғиз қариялар учун хизмат қиладиган

ЯХШИЛАРГА ЭРГАШАДИ ЭЛ

иккита махсус дўкон ва бепул хизмат кўрсатадиган ошхона ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзида янгитдан тузилган фирма, қўшма ва кичик корхоналар ҳисобидан 3 мингта иш жойи барпо этилди. «Умар» фирмаси қошида тикувчилик ва мармарга ишлов бериш цехлари ҳамда хусусий банк ишлаб турибди. Корхоналарнинг мактаблар, болалар боғчалари ва қариялар уйига оталиқ хизмати анъанага айланган.

«Соғлом авлод учун» республика хайрия жамғармасининг дори-дармон тарқатувчи кўчма маркази ҳам биринчи бўлиб айнан Сиёбда очилди. Дориларнинг муайян қисми бепул, қолганлари эса 20 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилмоқда.

Туман ҳокимлиги хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг ҳаётдаги ижтимоий фаолликларига имкон яратишга ҳаракат қилмоқда. Туман худудидаги кўплаб корхоналарда, меҳнат жамоаларида аёлларнинг иш вақти икки соатга қисқартирилган. Улар учун уч жойда маслаҳатхона ишлаб турибди. Учта поликлиникада эса кундузги стационар ташкил этилган.

Тумандаги бошланғич синф ўқувчилари аллақачон беш кунлик дарсга ўтишган.

Шанба куни болалар шаҳардаги театрларга, музей ва тарихий ёдгорликларга ташриф буюрадилар. Бу тадбир харажатларини ҳокимлик ўз гарданига олган.

Маҳаллалар ўртасида ҳар йили икки марта танлов ва мусобақалар ўтказилади. Шу баҳонада уларга идиш-товоқлар, қимматбаҳо совғалар улашилади.

— Биз шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорликда маҳаллаларда кенг миқёсда сиёсий, оммавий тадбирларни ўтказяпмиз, — дейди туман ҳокими Фаррух Ҳакимов. — Аҳолига республика раҳбариятининг бугунги сиёсати чуқур тушунтирилмоқда. Бундан ташқари маҳаллаларда фарзанд тарбияси, юксак инсоний фазилатлар, ободончилик, муомала маданияти мавзусида партия фаоллари иштирокида қизиқарли кечалар, суҳбатлар уюштирилмоқда.

Шаҳар партия кенгаши Сиёб туманидаги бундай хайрли тадбирларни маъқуллаш билан бирга яна шу ҳақда махсус плакат ҳам чиқаради.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик берган саодат

КЎМАКЛАШГАН ИШ - БИТАР

Юнусжон Абдураззоқов ишлаётган «Салар» базаси инқирозга юз тутди. Онда-сонда келувчи ҳожатмандларнинг қадами узилди. Ишчи-хизматчилар орасида парокандалик бошланди.

Юнусжон банкдан бир миллион 300 минг сўм қарз олиб илгари «Салар» базаси ёнида ташландиқ бўлиб ётган ердан аввалига бир бино қуриб олди. Сўнг қурилиш материаллари сотиш ва қабул қилишга мўлжалланган кичик корхона дўконининг ҳужжатларини тайёрлади. Унга «Юнус» кичик корхонаси деб ном қўйди. Орадан бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин кичик корхона бир-бирига туташиб кетган биноларга эга бўлди. Ишлар юриша бошлади. Ўша кезларда қурилиш қилмоқчи бўлган кишиларга корхона дўкони қўл келди. Қурилишга зарур материаллар излаб юрган хонадон соҳибларининг оворагарчиликлари барҳам топди. Жамоа аҳли уларнинг савобини олди. Кичик корхона ўтган шу қисқа вақт ичида 80 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатди. Одамлардан 7 миллион сўмлик ортиқча товарларни ҳам қабул қилиб олди.

Мирҳабиб Зокиров, янгиободлик харидор: — Биз уй-жой қуриш учун ер олган эдик. Зарур ашёлар йўқлиги сабабли қурилишимиз тўхтаб қолганди. Отасига балли, мана шу ерда ишлаётганларнинг! Истаган нарсангиз дўконда бор.

Зоя Туманова: — Кўп қаватли уйда яшаймиз. Канализация анжомларини харид қилдим. Шу матохни излайвериб чарчагандим. Илк бора мана шу дўконга келсам бўлмасмикан?...

Жамоада ишнинг кўзини билгувчи тадбиркорларнинг елиб-югуриши ўз самарасини бермоқда. Россия ва қўшни мамлакатлар билан тузилаётган шартномаларга мувофиқ барча турдаги қурилиш ашёлари ва рўзғорда асқотадиган хўжалик моллари ўз вақтида келтирилмоқда. Греция ва Туркия мамлакатлари билан ҳам тузилаётган шартномалар ўз натижасини бериш арафасида. Яқин орада ўзаро келишувга мувофиқ кичик корхона Сибирдан 3 минг кубометр ёғоч материалларини қабул қилиб олиши керак.

Келтирилаётган хом ашё ёки маҳсулот турлари қандай бўлишидан қатъи назар унинг сифат масаласи биринчи ўринда туришига алоҳида эътибор берилади.

Шу боисдан ҳам пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги эски «Салар» базаси ёнида қад ростлаган кичик корхона дўкони биноси рўпарасида тонгдан оқшомгача қаторлашган машиналарни кўрасиз.

— Валюта, солиқ, банк тизимига оид масалаларга аниқликлар киритиш лозим, — дейди Ю. Абдураззоқов.

Маълумки, ҳозир бизда кўрсатилган ишлаб чиқариш оборот учун Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат «Тадбиркор» банки 500 сўмдан ошган пулдан 8 фоиз олади. Бу биз сингари тикланаётган фирмалар учун оғирлик қилади. Ахир «Кўмаклашган иш – битар», дейди-ку доно халқимиз.

Корхона эндиликда фақат воситачилик билангина шуғулланамай, халқ истеъмоли молларининг ҳам кенг кўламда тайёрлашга киришди. Бетон ғиштлар, силлиқ ранго-ранг кафеллар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Қисқаси, корхона тасарруфига қарашли бинолар битса тадбиркорларнинг қўллари янада «узун» бўлиб, имкониятлари тағин ҳам ошади.

Ҳозирча «кичик корхона» деб номланаётган жамоа олинаётган фойдани хайрли ишларга сарфлашга ҳам улгурди. Маҳалладаги 16 нафар боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга кўмак бермоқда. Маҳалладаги масжид қурилиши ҳам ушбу жамоа зиммасида.

Юртимиз коригa яраётган «Юнус» кичик корхонаси сингари хожатбарор корхоналарнинг сони қанча кўп ортса, шунча яхши.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Айни кунларда мамлакатимиз чўпонларининг иши кўпайиб қолган. Чунки тўл мавсуми қизғин давом этмоқда. Зомин туманидаги «Молгузар» жамоа-ширкат хўжалиги аъзолари ҳам қўзилатиш мавсумини юксак даражада ўтказиш учун ҳаракат қилишяпти. Айниқса, илғор бош чўпон Эшпўлат Донабоев отарида совлиқлардан соғлом ва дуркун қўзи олинмоқда. 600 бош совлиқдан ҳозиргача шунча қўзи олинди. Шуниси қувончлики, қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди. Юқоридаги суратда Эшпўлат Донабоев.

Китоб шаҳридаги «Марям» кичик корхонаси чеварлари тикаётган турли каштачилик маҳсулотлари халқимизга манзур бўлмоқда. Турли-туман сўзана, зарпалак ва бошқа буюмлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Шу корхонада беш йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Азиза Ражабова кўпчиликка ибрат бўлаётир. У кунлик ва ойлик топшириқларини ортиғи билан бажармоқда. Пастдаги суратда Азиза Ражабова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ ва Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

Бозор муносабатларига ўтишда солиқ тизими иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг, давлат бюджетини бойитишнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилаётир.

Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат ТУРСУНОВ билан суҳбат «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши йўлида қўйилган дасталабки қадамлар, бу соҳадаги муаммолар ҳақида.

— Собиқ Иттифоқ даврида сиёсат хорижий мамлакатлар сармоядорлари билан ҳамкорлик қилишда фикримизни тор, қўлимизни қисқа қилиб қўйган эди. Мустақиллик бу борада бизга катта имкониятлар, интиёзлар яратиб бердики, ишбилармонлик, тадбиркорлик билан иш тутилган жойларда, ҳеч шубҳасиз, катта муваффақиятларга эришилаётир.

— Вилоятда бу соҳада амалга оширилган тадбирлар нималардан иборат? Янги ташкил этилган қўшма корхоналар, бу корхона даромадларидан олинган солиқларнинг вилоят бюджетига таъсири тўғрисида нималар дейсиз?

— Аввало шуни эътироф этиш лозимки, бозор муносабатлари шароитида солиқ сиёсати иқтисодиётни бошқаришнинг оқилона шакли бўлиб, Президентимиз, республика ҳукумати бу сиёсатни юритишга ҳамиша катта эътибор билан қарамоқдалар.

Воҳамизда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан мамлакатимизда халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириш бўйича пухта дастур ишлаб чиқилган.

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Фармони эълон

КАМЧИЛИКЛАР САБОҚ БЎЛАДИ

қилиниши биланоқ, хорижий сармоядорлик корхоналарини ривожлантириш бўйича ишлар тезкорлик билан амалга оширила бошланди.

Айни вақтда шаҳар ва туманларда 35 та қўшма корхона, уларнинг филиаллари ташкил этилган. 15 та янги қўшма корхона аҳолига турли хизмат кўрсатиш билан банд. Уларда кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. «Узинтербизнес» Узбекистон — Америка қўшма корхонасининг Қарши филиали, Шаҳрисабздаги «Шах-Сиб» Узбекистон — Русия ва «Кеш» Узбекистон — Афғонистон қўшма корхоналари истеъмол бозорини кенгайтириш, аҳолининг бугунги талаб ва эҳтиёжларига мос халқимизнинг қадимий миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқни тўғри йўлга қўйиш борасида айниқса юқори самарадорликка эришмоқдалар. Даромад ҳам буромадга яраша бўлиб, ўз навбатида мамлакат хазинасини бойитишда катта аҳамият касб этаётир.

Яна шуни ҳам тан олиш керакки, айрим қўшма корхоналар фаолияти барқарор эмас. Қарши шаҳридаги «Баракат» Узбекистон — Саудия Арабистони, «Эверст — Насаф— Индастриз» узбек-ҳинд, «Ҳамкор — Фэбрикс» ҳамда «Ҳамкор — Лазер — Индастриз Узбекистон — Покистон, Ғузор туманидаги «Бирдамлик — Сепанд» узбек-эрон, Нишон туманидаги «Узбол» узбек-болгар қўшма корхоналарининг жойлардаги ҳокимликлар томонидан рўйхатга олинганлигига бир йилдан ошиқ вақт ўтганига қарамай, улар ҳамон ўз фаолиятларини жонлантирмаяптилар. Бу шуни кўрсатадики, ҳар икки томон шартнома тузишдан олдин ўз имкониятларини тўла ҳисобга олмаганлар. Косон шаҳридаги «Полаир— Азия» корхонаси ўз вақтида асбоб-ускуналар билан таъминланмаганлиги сабабли Қарши шаҳридаги «Сафари» Узбекистон — Болгария, Қамаши туманидаги «Камсур», узбек-рус-хитой қўшма корхоналари эса ҳатто қурилиш ишлари тугалланмасдан хорижий ишбилармонлар билан ўз алоқаларини узиб қўйдилар. Халқимиз «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деб беҳуда айтмаган. Катта ва муҳим ишга қўл уришдан оддин имкониятларни тўла ҳисобга олган ҳолда етти ўлчаб бир кесмоқ зарурдир.

— Чет эл инвесторлари иштирокидаги қўшма корхоналар оладиган даромадларни солиққа тортиш соҳасидаги аҳвол қандай?

— Бу борадаги барча қонун-қоидалар республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан аниқ-равшан кўрсатилган. Бошқармамиз мутахассислари ўтган йили 23 та қўшма корхонани ҳужжатли текширишдан ўтказган эдилар. Бир қатор қўшма корхоналарда молия интизоми ва солиқ қонунларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги аниқланди. Шаҳар ва туман инспекцияларига тақдим этилган ҳисоботларда бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқлар нотўғри кўрсатилган. Бунга сабаб нима? Бу аввало, тушунмовчилик натижаси бўлса, иккинчидан, раҳбар ходимлар ҳамда бош ҳисобчиларнинг солиқ қонунларини билмасликлари ва айрим ҳолларда даромадларни кўра-била туриб яширишга уринишлари оқибатидир. Баъзи мисолларни келтираман.

Қарши шаҳридаги «Машъал» Узбекистон — Русия қўшма корхонасида даромад ва ялпи даромад, қўшилган қиймат солиқлари ҳамда ижтимоий суғурта ажратмаси тўловидан 10173 сўм камайтириб кўрсатилган. Бунинг учун корхонадан 1306 сўм жарима ундирилди. Вилоят маркази «Бобоёр» Узбекистон — Тожикистон, Узбекистон — Русия, Яккабоғ туманидаги «Содружество», Узбекистон — Русия қўшма корхоналари ҳамда Қарши шаҳридаги «Краун» Русия — Бельгия қўшма корхонасининг «Евроосиё» филиали молиявий хўжалик фаолиятида ҳам юқоридагидек камчиликлар аниқланди ва улар яширилган маблағларни юз фоиз жаримаси билан тўлашга мажбур бўлдилар.

Бу қонунбузар корхоналарнинг раҳбарлари бир нарсани унутмасликлари лозим. Саховатли инсон солиқларни ўз вақтида тўлашдан ҳеч қачон бўйин товламайдилар. Инсофни унутганларга: «Даромадни яшириб жиноят қилгунча, солиқни тўлаб, диёнатли бўлсангизчи!» демоқчимиз.

Суҳбатдош: Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

КЕНЖА НАШР

СИРДАРЁ. Мирзаобод туманида янги газетанинг илк сони ўқувчилар қўлига тегди. Мамлакатимизда ҳозирча энг кенжа газета бўлган бу нашр «Мирзаобод» деб аталди. Бош муҳаррир Жумабой Ҳошимовнинг таъкидлашича, иқтисодий қийинчиликларга қарамай туман ҳокимлиги ўз нашрига амалий ёрдам бераётир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамкорлик

КОНЧИЛАР ОЛИС ОТАРЛАРДА

НАВОИЙ. Кон-металлургия комбинати жамоаси чорвадорларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Комбинатнинг Зарафшондаги марказий кон бошқармаси олтин топарлари Томди тумани қорақўлчиларига бегараз ёрдам кўрсатишди. Мазкур бошқарманинг 20 дан ортиқ дизель енилғиси билан ишлайдиган машина механизмларида Балиманов номли, «Янгичорва», «Томди» каби жамоа хўжаликлари чўпон-чўлиқларига ёрдамга олис отарларга омухта ем, дағал хашак ва сув ҳам ташилди. Учқудуқдаги шимолий кон бошқармаси кончилари эса туман қўйчивонлари оғирини енгил қилишмоқда. Натижада ҳар икки туманда қишлов бечиқим ва беталафот ўтмоқда. Барча сарф-харажатлар металлургия комбинати ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ислоҳот ва одамлар

«...Бизнинг кўплаб раҳбарларимиз, фаолларимиз эски тизим асоратларидан жудо бўлолмаяптилар. Кўпчилик ҳал этилмаган муаммолар ҳокимиятнинг ўрта бўғинларида чигаллашади, ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш йўқ».

И. А. КАРИМОВ.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузадан).

ФЕРМЕРГА ИШОНСА БЎЛАДИМИ?

БИЗНЕС пресс танловига

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат хўжалиги директори Хушбоқ Фармоновга 500 одам фермер бўлиш истагини билдириб ариза ёзди. Ва аксарияти рад жавобини олди.

— Холва деган билан оғиз чучимайди, — деди уларга Фармонов. — Аканг ботир фермер бўламан дейди-да, талаби қондирилгач, яна ўмганини хўжаликка ташлайди. Ҳаёт фермерликни эплайдиганлар камлигини кўрсатмоқда. Бизда 15 таси ишлаяпти. Отдача йўқ...

Шу туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Абсоат Раҳмоновнинг бизга кўрсатган маълумотлари директорнинг гапларида асос борлигини тасдиқлайди. Шу хўжаликнинг фермерлари, масалан, 1994 йилда гўшт, сут етиштириш бўйича шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаган. 111 сигирдан соғиб олинган сут йил давомида 55 тоннадан ошиб-ошмай қолган. Жарқўрғондаги бошқа хўжаликларда ҳам деярли шундай ҳол кўзга ташланади. Қумқўрғонда шундай фермерлар борки, 15—20 сигир боқяпмиз, дейишади. Кунлик соғиб оладигани бир бидонча сут. Яна унга хўжалик томонидан берилган бир трактор овора. Гектарлаб ер овора.

Денов туманидаги «Агрохизмат» уюшмаси раиси М. Шерқобиловнинг қўлидаги маълумот рақамлари мени ажаблантиради; 1994 йилда бу ерда фермерлар кўпайди. Уларнинг қўлидаги мол, парранда кўпайди. Бироқ, улар етиштираётган маҳсулот... камайиб кетди.

Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси А. Тўрақулов вилоят кенгаши сессиясида Сурхондарёда 1454 фермер-деҳқон хўжалиги ишлаётганини, уларга 8 минг гектардан зиёд ер ажратилганини, бироқ бу борадаги умумий ишлар шу кун талаблари даражасида эмаслигини таъкидлаб ўтди.

Савол туғилади: Фермерларга эҳтимол етарли шароит яратилмаётгандир. Ўртадаги шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш устидан назорат сусайтирилгандир. Ахир, вилоятда хўжалик тармоғида етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари тобора камайиб кетаётган бўлса. Ва иккинчи томондан, иқтисодий ислоҳот тарафига ўтиб ишлайман деганлар айрим раҳбарлар томонидан рағбат топмаётган бўлса. Айрим рағбатлантирилаётганлари ҳам ҳозирча ишончни оқламай турган бўлса. Аҳоли жон бошига истеъмол моллари (жумладан, озиқ-овқат) етиштириш жиҳатидан сурхондарёликларнинг кўп ҳам мақтагудек гаплари бўлмаса. Нима қилмоқ керак?

— Бу гапнинг ечими жуда осон, — дейди Абдусаттор Қурбонов деган одам.

Қурбонов деган азамат ким деб сўрарсиз. Ўн беш ёшидан механизатор бўлган. (Бу «ўн беш ёшли капитан» деган гапни эслатади).

Сўнгроқ у раҳбарлик қилган Будённий номи билан аталган йирик хўжалик гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олгани учун Ғ.Ғ.Ғ.

Илму ҳикмат ўтни ёндирар

КАТТА «ДАРАХТ» МЕВАЛАРИ

Иброҳим Алимовни кўп йиллардан бери биладиган кишилар — ҳамкасблари, таниш-билишлари унинг қандай лавозимда ва қандай шароитда бўлмасин камтаринлигини, самимий ва ўта маданиятли инсон эканлигини таъкидлашади. Боиси бу инсон ўзининг одамийлиги билан бирга олимликда ҳам эл-юрт назарига тушганлардан.

Андижон шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган Иброҳимжоннинг отаси Абдуғаффор ака зиёли кишилардан бўлиб, фарзандини илм-маърифатли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Эллик учинчи йили Москва Давлат тарих-архив институтига ўқишга кириши билан бунга пухта замин тайёрланган эди. Дастлабки йилларда у рус тилини яхши билмаганлиги сабабли жуда қийналди. Мактабларда барча фанлардан яхши ўқиганлиги, тиришқоқлиги туфайли институтни қийналмай тугатди. Профессор Е. А. Луцкий раҳбарлигидаги аграр масалаларни ўрганиш тўгарагига мунтазам қатнашиб, илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Бу соҳадаги йирик мутахассис-профессорлар илмий иш ўтмишнинг очилмаган саҳифалари сақланадиган архив ҳужжатларини ўрганишдан бошлаш кераклигини ва ундан фойдаланиш йўлларини кўрсатдилар.

Шундай қилиб, ёш тарихчи-архивчи Иброҳим Алимов ўз иш фаолиятини 1958 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг катта илмий ходимлигидан бошлади. Кўп ўтмай республика Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Архив бошқармасининг ҳужжатлардан фойдаланиш ва нашр қилиш бўлими мудири лавозимига ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви директори бўлиб ишлаш билан бирга илмий-тадқиқот ишларидан ажралмади, тажриба орттирди. ЎзКП МК ҳузуридаги Партия тарихи институтига сектор мудирлигига ишга ўтказилди. Кейинчалик Андижон Давлат педагогика институтининг кафедра мудири бўлиб ишлади. Ҳозир эса Тарих институтида Ўзбекистоннинг 40-80 йиллар даври тарихи бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

И. Алимов 1966 йили «Тошкент вилоятида ер-сув ислоҳоти» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шуниси ачинарлики, етмишинчи йили, олим 35 ёшида тайёр бўлган «Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида аграр ўзгаришларнинг тарихий тажрибаси» мавзуидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси айрим нопок кишилар томонидан унинг ҳали ёш эканлиги рўкач қилиниб, ўн йилдан ортиқроқ муддатга кечиктирилди. Бу даврда у 20-йиллардаги қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, ўзбек деҳқонларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи масалалари билан кенгроқ ва чуқурроқ шуғулланди.

Устоз олимнинг илмий изланишлари кўлами кенг. Булар Ўзбекистонда Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида ислом тарихи, Ўзбекистонда архившунослик, иккинчи жаҳон уруши йилларида миллатлараро муносабатлар муаммолари ва бошқа масалалардан иборат. Тарих фанининг қайси бир соҳасига қўл урмасин ҳамма жойда у ўзининг иқтидорли тадқиқотчи, манбаларни холисона, чуқур, танқидий мушоҳада ва таҳлил эта билиш, тарихий воқеа ҳамда ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб бериш, ўрганилаётган муаммоларни умумлаштира билиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. У кўпгина йирик рисола ва тадқиқотлар ҳаммуаллифларидан бири. Жумладан, Тарих институтида ҳозирги кунда янгитдан тайёрланаётган кўп жилдлик «Ўзбекистон тарихи» VI жилдининг қатор боблари Иброҳим Алимов томонидан ёзилган.

Иброҳим аканинг илмий-педагогик фаолияти ҳам диққатга сазовор. У Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида архившунослик фанидан талабаларга дарс бериб келмоқда. Тарих институтида эса Ўзбекистон тарихидан фан доктори илмий даражаси учун диссертациялар ҳимояси бўйича Кенгаш аъзоси, республика Архив бошқармаси ҳузуридаги архив иши бўйича Республика жамоатчилик Кенгаши раиси ҳам. У ҳеч қачон мансаб ва обрў талашмаган, фақат илм-фан йўлида заҳмат чекиб келди. Кишиларга қўлидан келгунча яхшилик қилиш, шогирдларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар бериш, дарахт мисол соя бериб ўз мевалари ҳосилидан эл-юртни баҳраманд этиш унинг энг эзгу ва олий мақсади эди. Мана бугунги кунда парваришлаб етиштирилган ўша мевалар биринкетин пишиб етилмоқда, эл-юрт бундан баҳраманд бўлмоқда.

Мусаллам ЖЎРАЕВ,
тарих фанлари номзоди.
Дилором БОБОЖОНОВА,
тарих фанлари номзоди.
Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ,
«Ўқитувчи» нашриёти ижтимоий-тарихий адабиётлар ва география таҳририяти муҳаррири.

ХАЛКАРО КЎЗГУ

ЁРДАМ КЎРСАТИШ СЎРАЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Доғистонда чеченистонлик қочқинлар сонининг кескин ошиб кетиши муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларга зудлик билан ёрдам кўрсатишни сўради. БМТ Бош котибининг расмий вакили Аҳмад Фаузининг маълум қилишча, ўтган ҳафта давомида Доғистонга қочиб ўтган Чеченистон фуқароларининг сони кескин ошган. Айни пайтда эса уруш бораётган Гудермес ва Шали туманларида истиқомат қилувчи 30 минг киши ўз жойини ташлаб Доғистонга ўтиш арафасида турибди.

ТАКЛИФНИ РАД ЭТДИ

МАДРИД. Испаниянинг балиқчилик, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазири Луис Атьенса балиқ овлаш кемалари соҳиблари ассоциациясининг Испания — Канада можаросига НАТО-ни жалб этиш ҳақидаги таклифини рад этди. Маълумки, канадаликлар Ньюфаунленд бетараф сувларида балиқ овлаётган испан кемасини ҳибсга олган эди. Бундан эса ассоциация вакиллари қаттиқ норози бўлганди.

Вазир бундай шароитларда муаммони фақатгина сиёсий йўл билан ҳал этиш кераклигини таъкидлади.

ВЕРТОЛЁТИ БОР ЭКАН

ТОКИО. Япония рўзномаларида ёзилишича, мамлакатда яширин фаолият олиб бораётган «Аум Синрикио» диний мазҳаби ихтиёрида заҳарли кимёвий моддалар сепишга мўлжалланган вертолёт бор экан. Яқинда бутун дунёда катта шовшувга сабаб бўлган Токио метросидаги мудҳиш воқеа ҳам ушбу ташкилотнинг иши сифатида текширилмоқда.

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

ОТТАВА. Қозоғистон Бош вазири Акежан Кажегелдиннинг Канадага расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида Канада-Қозоғистон муносабатларига оид вазифалар декларацияси, икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳамда икки томонлама ҳамкорликка оид битимлар имзоланди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ФАЙЛАСУФЛАР АНЖУМАНИ

ТошДУ ҳузуридаги Олий педагогика институтининг фаоллар зали ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда Тошкент Давлат университети ташкил топганлигининг 75 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафа» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни профессор С. Шермуҳамедов қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгра дорилфунун проректори М. Муртазаева илмий-назарий йиғин қатнашчиларини қизғин табриклади. Анжуманда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари, академик Э. Юсупов «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлашда фалсафа фанининг аҳамияти», фалсафа фанлари номзоди, доцент И. Эргашев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва файласуф кадрлар тайёрлаш муаммолари», фалсафа фанлари доктори F. Нажимов «Мустақиллик мафкурасини оширишнинг асосий хусусиятлари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Адиба ҒОЙИБОВА.

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР ЯНА ОЛДИНДА

Ўтган дам олиш кунлари олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Бу сафарги учрашувлар ҳам ҳужумкор ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Дарвозаларга жами 19 та тўп киритилди. Айниқса, иккинчи учрашувни ҳам ўз майдонида ўтказган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари чемпионларга хос тўп суриб, мухлисларини қувонтиришди. Маълумки, мамлакат уч карра чемпиони биринчи ўйинда Самарқанд динамочиларини ютиб (4:0) кўпчиликни мамнун этганди. Бу сафар улар «Нурафшон» жамоасини қабул қилишди. Учрашувда майдон эгаларининг 4 та тўпига 2 та жавоб тўпи қайтарилди. Шундай қилиб «Нефтчи» олтита очко билан мавсум бошидаёқ пешқадам бўлиб олди.

«Навбаҳор» ва МХСК жамоаларининг ҳам мавқелари чакки эмас. Наманганликлар биринчи ўйинда «Чирчиқ»жамоасидан устун келишган бўлишса, иккинчи ўйинни «Машъал» майдонида ўтказиб, дарвозалар дахлсизлигига эришдилар. Армиячилар эса аввал «Атласчи» футболчиларини мағлубиятга учратишган эди. Иккинчи ўйинда эса улар «Чирчиқ» майдонида ўйнаб, ҳисобни (0:0) дуранг қилишди. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: АСК — «Пахтакор» — 2:3, «Наврўз» — «Политотдел» — 1:0, «Янгиер» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Динамо» — «Трактор» — 2:1, «Атласчи» — «Темирйўлчи» — 2:0.

ЎРИНБОСАРЛАР ҲАМ БОШЛАШДИ

Биринчи лига футбол жамоалари 26 команда бўлиб, улар бу йилги мавсумни икки минтақага бўлинган ҳолда ўтказмоқдалар. Куни кеча дастлабки тур ўйинлари бўлди.

Биринчи минтақа жамоалари ўртасида Жиззахнинг «Йигирувчи», Зарафшоннинг «Прогресс», Қаршининг «Насаф», Нукуснинг «Орол» жамоалари ғалаба қозониб, ўз ҳисобларига 3 тадан очко ёздилар. Иккинчи минтақа жамоалари орасида Тошкент вилоятининг «Маданият», Боғдоднинг «Боғдодчи», Янгийўлнинг «Мебелчи» ва Ғазалкентнинг «Ғазалкент» жамоалари муваффақият қозониб, мавқеларини мустаҳкамладилар.

Қамашилик ишбилармон Олимжон Чўллиевнинг гилам тўқиш ва ип йигириш кичик корхонасини ташкил қилиш тўғрисидаги фикрини вилоят маҳаллий саноат бошқармаси ва туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натижада 1991 йилнинг охирларига келиб бу ерда «Ҳунарманд» кичик корхонаси иш бошлади. Қисқа вақт ичида тери ошлаш, турли ҳайвон териларидан телпак ва пўстинлар тикиш йўлга қўйилди. Яқинда кичик корхона кенгайтирилиб саноат-савдо ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

СУРАТДА: ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бошлиғи Нурмуҳаммад Чўллиев ва пўстин бичувчи Бахтиёр Жўраев.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Дил изҳори

БИТТА ХОЛ БЎЛСАМ...

Истардим, кўксингда битта хол бўлсам,
Бағринг оташида ёнса бу таним.
Осмон қадар буюк бир муҳаббат-ла,
Десанг бас, севганим,
менинг севганим.

Ҳижрон азобига йўғрилса йўллар,
Қисмат қароллиққа юз тутса шу пайт,
Сочилиб сарғайса ҳаттоки гуллар,
Менинг борлиғимни бахтсиз тунга айт.

Кун ёнар куй ёнар, дил-совуқ риё
Бўғзимни куйдирар ғамнафас — хаёл.
Нá чора, кўнгилни овутар гўё —
Кўксимга кўмилган биттагина хол.

Тожибек ЮСУФБЕК ўғли.

ТАНИШИНГ, «ЎЗБАНКАУДИТ»!

«ЎЗБАНКАУДИТ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ Р. ФАТТОҲОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Рашид ака, аввало кўпчилик учун янгилик бўлган «Аудитбанк» атамисини изоҳлаб берсангиз.

— «Аудитбанк» атамасини жуда ҳам янги деб бўлмайди. Негаки, у кўп йилларданг буён жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида қўлланиб келинади. У бизнинг молиявий ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ.

Энди саволнинг асосий қисмига келадиган бўлсак, «Аудитбанк» аслида лотинча «аудирс» яъни «эшитмоқ» сўзидан олинган бўлиб, «хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш» сингари маъноларни англатади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қомуслар Бош таҳририяти томонидан нашр қилинган «Ишбилармонлар луғати»да бу сўз қисқа ва лўнда изоҳлаб берилган. Яъни «Аудитор — фирма-корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб борувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма бўлиб, одатда акционерлик жамият ёки кооператив шаклида фаолият кўрсатади.

— «Аудитбанк» жамияти бизда илк маротаба қачон пайдо бўлган?

— Кўп бўлгани йўқ. Диққатга сазовор томони шундаки, бундай ташкилот МДҲ мамлакатлари орасида биринчи марта Узбекистон Республикасида дунёга келди.

Менимча, бу аввало давр талаби билан бозор иқтисодиёти олдимизга қўйган қатор муаммолар натижасида пайдо бўлди. Умуман, ҳар бир даврнинг диққат марказида турадиган соҳалари бўлади. Эсингизда бўлса, яқин ўтмишда «космонавтика», «электроника», «кибернетика» деган атамалар турмушимизга кириб келганди. Кейинроқ «маркетинг», «биржа», «бартер» сингари янги атамалар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси ҳаётимизда бурилиш ясаган бозор иқтисодиётининг, янгича иқисодий фаолиятининг «мевалари» бўлди дейиш мумкин. Ана шулар натижаси ўлароқ, 1992 йили мустақил мамлакатимизда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан илк марта «Узбанкаудит» банклараро акционерлик жамияти ташкил этилди. Шу билан республикамизда аудиторлик фаолияти йўлга қўйилди.

— Унинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

— Аввало, бизнинг жамиятимиз дунёнинг бошқа мамлакатларидаги каби мустақил ташкилот сифатида иш олиб боради. Ўз ишини халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш қоидалари асосида юритади.

Биз банклар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналар жамоа хўжаликларининг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш, мижозлар буюртмаси бўйича экспертиза ўтказиш билан шуғулланамиз.

«Узбанкаудит» хизматчилари аудиторлар деб аталади. Жамоамизда ана шу машаққатли ва шарафли соҳанинг билимдонлари кўп.

— Бугунги кунга келиб банк-молия хизматининг «асосий масала»лардан бирига айланиб қолганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Халқимиз «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» дейди. Қуриндики, иқтисод ҳамма замонларда ҳам биринчи ўринда турган.

Ёдингизда бўлса, собиқ Шўро даврида, турғунлик йилларида «пул одамни бузади», деган сунъий тушунча омма онгига сингдирилган ишбилармон ва тадбиркор кишиларнинг фаолиятига ўгай назар билан қараларди. Маълумки, вақтдан улуғ ҳакам йўқ! Замоннинг ўзи банк-молия соҳасини кун тартибига олиб чиқди. Маълум бўлдики, турмушнинг ҳеч бир жабҳаси, ҳеч бир жараён пул ва молия масаласини четлаб ўтаолмас экан. Бу ишлаб чиқаришми, савдо-тижорат ишларими қўйингки маданий-маърифий соҳаларми... фарқи йўқ. Шу сабабдан ҳам, биз ана шу ниҳоятда нозик ва муҳим жабҳада хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз.

— Жамиятнинг бугунги фаолияти ва муаммолари ҳақида нималар дейсиз?

— Бизнинг жамиятимиз олдида ҳам талайгина муаммолар турибди. «Ўзбанкаудит» мустақиллигимиз сифатида дунёга келганининг ўзи қувонарли ҳол. Бугунги бозор иқтисодиёти шароити муносабати билан олдимизда қатор масалалар қўндаланг турганини яширимайман. Лекин биз уларнинг ечимини албатта топамиз. Бунга имкониятларимиз бор, кучимиз етади.

Масалан, республикамиз ҳудудида «Ўзбанкаудит»нинг тармоқлари ташкил этилянти. Бунга Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги банклар, кредит муассасалари ва бошқа ташкилотларда аудиторлик текширишларини ўтказадиган ҳамда маслаҳат берадиган вилоятлараро филиалини кўрсатиш мумкин. У Андижон шаҳрида жойлашган. Бундай филиалларни бошқа вилоятларда ҳам ташкил этиш ниятимиз бор. Аммо бунинг учун аввало малакали ходимлар, моддий ва маънавий мададга муҳтожмиз.

— «Ўзбанкаудит» хизматининг келажаги ҳусусида бир оғиз гап айтсангиз...

— Нима кўп, турли корхона ва ташкилотлар, банклар ва биржалар, фирмалар ва муассасалар кўп. Шундай экан, улар жаҳон андозалари даражасига етиши, халқаро бозор масалалари билан жиддий шуғулланиши, ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, шаклланаётган тижорат аҳли ва ишбилармонларнинг етишиб чиқишида «Аудитбанк»нинг хизмати келгусида алоҳида аҳамият касб этаверади.

Халқимизда «бир каттанинг, бир кичикнинг маслаҳатига қулоқ сол» деган доно гап бор. Молия масаласидаги ҳар қандай муаммоларни ечишда, шулар атрофида маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар кўрсатишда «Узбанкаудит» акционерлик жамияти ўз хизматини аямайди.

Суҳбатдошлар:
Э. УСМОНОВ, Ҳ. ИСМАТОВ.

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят бўлими, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси 21 апрель куни соат 11.00 да Ангрен шаҳар ҳокимлигининг Мажлислар залида

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЕР УЧАСТКАЛАРИ ҚУЙИЛАДИ:

Ангрен шаҳрининг Гўштсой қўрғонидаги ер участкаси. Участканинг сатҳи — 607 кв.м.
Бошланғич нархи — 9930,6 сўм.
Ангрен шаҳрининг Гўштсой қўрғонидаги ер участкаси. Участканинг сатҳи — 650 кв.м.
Бошланғич нархи — 10634 сўм.
Ангрен шаҳрининг Гўштсой қўрғонидаги ер участкаси. Участканинг сатҳи — 600 кв.м.
Бошланғич нархи — 9816 сўм.
Ангрен шаҳрининг Гўштсой қўрғонидаги иккита ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи — 660 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 10797,6 сўм.
Ангрен шаҳрининг Гўштсой қўрғонидаги тўртта ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 620 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 10143,2 сўм.
Янгиобод шаҳрининг Собир Раҳимов кўчасидаги олтита ер участкаси.
Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 12132 сўм.

АРИЗАЛАР

— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 31-уй, 3-қават, 109 хонада /Тошкент вилоят ҳокимлигининг биносида/;
— Ангрен шаҳар ҳокимлигининг Хусусийлаштириш бўлимида ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача

қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
■ Тошкент шаҳрида /3712/ 33-08-65,
■ Ангрен шаҳрида /266/ 25-835,
■ Янгиобод шаҳрида /268/ 41-196.

ЯНГИЙЎЛ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Серқуёш республикамизда етиштирилган мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консерваларни (шиша ва тунука идишларда) чекланмаган миқдорда сотади.

СИЗ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОНСЕРВАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

— шафтоли, олхўри, олма, узум, тарвуз ва сабзи табиий шарбатлари;
— аччиқ томат соуси, томат пастаси, олма - узум аралашмаси ва қовоқдан тайёрланган шифобахш ичимликлар;
— бақлажон икраси, сабзавот икраси;
— бодринг ва помидор маринадлари;
— тузланган аччиқ карам.

Шунингдек, кўп миқдорда кичик идишларга қуйилган — 55 фоиз концентратли олма шарбатидан иборат консервалар ва бошқалар мавжуд.

Маҳсулотларнинг бозор нархларидан бирмунча арзон сотилиши сиз учун яна бир қулайлик яратади.

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маҳсулотларга мол айирбошлаш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин.

Маҳсулотлар йирик улгуржи ва чакана савдо йўли билан етказиб берилади.

Янгийўл консерва ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини қанча тез сотиб олсангиз — шунча яхши. Зеро, у ҳамма учун доимо зарур ва жуда фойдали хусусиятларга эгадир.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИНГ ШИФОБАХШ ВА ТЎЙИМЛИЛИГИНИ УНУТМАНГ!

Завод МДҲ республикаларига ҳам юқоридаги тартибда ёки мол айирбошлаш йўли билан чекланмаган миқдорда ўз маҳсулотларини сотади.

Манзилимиз: 702802, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-ўй.
Телефонлар: (код—260), (37-160), 74-740, 74-744, 74-780, 74-781.
ФАКС — 7-57-50, 7-47-80.

Дил изҳори

МОЗИЙ БИЛАН «СЎЗЛАШГАН»

Бугунги кунда ўзбек шарқшунослик фани довруғи йироқ-йироқларга кетган. Диёримиз ҳамма жойда жаҳондаги эътиборли шарқшунослик илмий марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Бу ерда жамланган нодир қўлёзмалар мажмуаси кейинги ўн аср мобайнида аждодларимизнинг умумбашарият қадриятларига улкан ҳисса қўшиб келганлигидан далолат бериб турибди. Улар асосида эълон қилинган юзлаб тадқиқотлар, узлуксиз олиб борилаётган илмий изланишлар, мустақиллик шарофати туфайли турли мамлакатлардаги шарқшунос олимлар билан амалга оширилаётган бевосита мулоқотлар бу соҳада катта ижобий силжишлар рўй бераётганлигини кўрсатмоқда.

Шарқшунослик фани соҳасидаги ана шу ютуқлар ўзўзидан вужудга келган эмас, албатта. Унинг сарчашмаларида турган, узоқ йиллар давомида ўз машаққатли меҳнати билан бу соҳага сайқал берган, жаҳон талаблари даражасидаги илмий тадқиқотлари билан уни бойитган ва оламга танитган зукко алломаларимизнинг бу соҳадаги хизматлари катта. Ана шундай шарқшунос олимларимиз ичида мағрибу машриқда тан олинган мўътабар зот — Убайдулла ака Каримовнинг фаолияти алоҳида эътиборга молик.

Убайдулла ака аслида химиядан мутахассис бўлган. У киши 1941 йили Ўрта Осиё индустриал институтининг химия-технология қуллиётини имтиёзли диплом билан битириб, Ватан ҳимоясига кетган. Фронтдан ярадор бўлиб қайтгач, шу соҳада ишлаб юрганида 1944 йили университетда шарқ куллиёти очилганини эшитади ва унинг биринчи курсига ўқишга киради. Шундан бошлаб у кишининг бутун ҳаёт йўли шарқшунослик фани билан боғланиб қолади. Университетдан кейин Шарқшунослик институтида дастлаб кичик илмий ходим, сўнгра узоқ йиллар мобайнида шарқ қўлёзмаларини илмий тадқиқ қилиш ва нашр этиш бўлимида раҳбар бўлиб ишлайди. Ҳозирги кунда бош илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу йирик алломанинг илмий фаолияти ҳақида сўз борганда, даставвал, у кишининг халқимиз бой ўтмиш ёзма меросини авлодлар мулкига айлантириш йўлидаги улкан хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Саккиз юз йил мобайнида Европа врачлари учун дастуруламал бўлган ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино асарларини бизда саноқли кишилар билган, холос. Чунки буюк олим ўша давр тақозасига кўра уларни араб тилида битган эди. 50-йилларда Шарқшунослик институти Ибн Сино «Қонун»ини ўзбек ва рус тилларига таржима қилишга киришганда бу ишга Убайдулла ака бош қўшди. Ўзбек тилида олти жилдли бўлиб чиққан мазкур асарнинг бешинчи жилдига (охирги жилдининг ҳам ўзбекча, ҳам русча таржимони ўзи эди) муҳаррирлик қилди. Унга илмий таҳлил ва изоҳлар тузди. Шундан кейин у киши ташаббуси ва иштироки билан Ибн Сино асарларининг рус ва ўзбек тилларида бир неча бор бир ва уч жилдлик сайланмалари нашр этилди.

Худди шунингдек, Убайдулла ака Ўзбекистонда беруний шуносликка асос солишда ҳам бош-қош бўлди. Натижада атоқли шарқшунос В. В. Бартольднинг таъбири билан айтганда, «Барча даврлар ва барча халқларнинг олими»— Абу Райҳон Беруний асарларининг кўп жилдли сайланмаси нашр этилди. Бу борадаги у кишининг хизматлари, айниқса, таҳсинга сазовордир. Чунки Убайдулла ака ана шу буюк алломанинг бизгача етиб келган асосий асарларидан бири — «Сайдана» («Фармакогнозия») га қайтадан умр бағишлашга муяссар бўлди. Берунийнинг бу асарида мингдан ортиқ ўсимлик, жонивор, минерал дорилар номи келтирилган. Беруний бу дориларнинг араб, юнон, сурёний, ҳинд, форс, хоразм, суғд, туркий тилларидаги номларини келтириб, 250 га яқин муаллиф асарларидан фойдаланганини ёзади. Бу асарни кўчирган котибнинг таъкидлашича, «Сайдана» тугалланмай қолган. Унда кўпгина доривор ўсимликларнинг номлари юқоридаги тилларда келтирилиб, арабчага таржима қилинмай қолган. Тўғри, унгачаям бу асарни Европа шарқшунослари таржима қилишга уриниб кўришган. Аммо бу ишни уддалай олмасдан, қўлёзма ҳақида қисқача мақола ёзиш билан чекланиб қўя қолишган. Бу қўлёзма устида эса Убайдулла ака кўп йиллар тер тўкди. Ўрта аср араб тили ва форс тилларидан ташқари қадимий юнон тилини ҳам ўрганишга тўғри келди. У тугалланиб, илмий изоҳлар билан рус тилида нашр этилгач, бутун жаҳон шарқшунослик илмий марказларида ўзбек олимининг номи алоҳида таҳсинга сазовор бўлди. Убайдулла аканинг ана шу асарни тиклаш, илмий-изоҳли таржима қилиш ва тадқиқ этишдаги хизматлари фан оламида улкан жасорат деб баҳоланди.

Умуман, бу инсоннинг илмий фаолиятига назар ташлар экансиз, у шарқшунослик фани соҳасида ҳеч қачон илгари тадқиқ этилган, осон йўлдан юрмаганини кўрасиз. Шу боисдан бўлса керак, бу зот бажарган ҳар бир иш қашфиёт ва янгилик бўлди. Бу нарса у киши қаламига мансуб барча илмий ишларга беистисно тааллуқлидир. Масалан, биринчи йирик илмий тадқиқотини олайлик. У ўрта аср кимё олими ар-Розийнинг «Сирлар сири» арабча қўлёзмасининг рус тилидаги илмий-изоҳли таржимаси ва тадқиқотидан иборат эди. Шунгача жаҳон шарқшунослигида ар-Розийнинг бундай номдаги асари бўлмаган, балки бу ном унинг «Сирлар китоби» асарининг бошқа тарзда аталиши, деган хулоса қарор топган эди. Убайдулла ака ўрта аср машҳур кимё алломасининг яна бир ажойиб асари мавжудлигини исбот қилиш билан чекланмасдан, уни юксак илмий савиядаги (у кишининг химиядан мутахассислигини эсдан чиқармайлик) илмий-изоҳли таржимасини ҳам нашр қилди. Машҳур рус арабшуноси академик И. Ю. Крачковский 1950 йили сентябрида Ленинградда бўлиб ўтган арабшунослар йиғилишида қилган маърузасида «ўзбек олими Убайдулла Каримовнинг бу иши совет фанидагина эмас, балки дунё арабшунослигида ҳам эўр аҳамиятга эга илмий иш» деб таърифлаган эди. У вақтда ҳали Убайдулла ака фақат фан номзоди илмий унвонига эга бўлиб, бу асар ёш олимнинг шарқшунослик соҳасидаги биринчи жиддий илмий изланиши эди. Шундан кейин ўтган йиллар ичида у киши фан доктори бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди. Берунийшунослик соҳасидаги алоҳида хизматлари учун 1971 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. 1993 йилда эса ўзбек шарқшунослиги илмий мактабини яратган устод олимнинг кўксини ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида таъсис этилган биринчи рақамли Заҳириддин Муҳаммад Бобур олтин медали безади. Бу юксак мукофотни Убайдулла акага юртбошимиз Ислом Каримовнинг шахсан ўзлари топширган эдилар.

Баҳриддин МАННОНОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг директор ўринбосари.
Абдусодиқ ИРИСОВ,
шу институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, арабшунос.

Бир ғазал шарҳи

«ҚАРО ХОЛИГА БАХШ ЭТГУМ...»

Хожа Ҳофиз Шерозийнинг «Агар он турки Шерози» деб бошланувчи ғазали Шарқда ниҳоятда машҳур. У ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Аммо уни янада чуқурроқ тушуниш учун байтлардаги яширин маънолар, орифона рамзлар, гўзал ташбеҳларни англамоқ ва ҳис этмоқ керак. Бу ғазални мумтоз адабиёт билимдони Кибриё ҚАҲҲОРОВА шундай шарҳлайди:

Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Мазмуни: Агар ўша шерозлиқ турк гўзали қалбимни забт этса,

Унинг қора холига Самарқанду Бухорони ҳадя қиламан.

Маълумки, азалдан Туронда ҳам, Эронда ҳам аслида туркий тилда ва форс-тожик тилида сўзлашувчи халқлар ёнма-ён яшашган. Ўрта асрларда туркий халқлар ўзларининг жангарилиги, ҳарбий ишга моҳирликлари билан донг таратишган. Назаримда, «агар қалбимни забт этса» деган ибора тасодифий эмас. Самарқанд ва Бухоро эса ўша пайтда Шарқнинг энг машҳур шаҳарлари эди. Уларни ҳадя этишни ваъда қилиб, шоир муболағали образ яратади, бу билан ўз муҳаббатининг қудратини кўрсатмоқчи бўлади. Шу сабабли ҳам бу қуйма байт киши шуурида шундоққина муҳрланиб қолади. Унинг асрлар давомида барҳаётлиги боиси ҳам шунда.

Бидеҳ соқий майи боқийки, дар жаннат нахоҳи ёфт
Канори оби Рукнободу улгашти мусалларо.

Мазмуни: Кел, эй, соқий, боқийлик майидан бер, чунки жаннатда ҳам Рукнобод ариғи бўйидай жойни ва мусаллодагидай гул сайрини топиб бўлмайди.

Рукнобод — Шерозда тоғ оралиғида оқадиган катта ариқ. Бу ерни Саидрукниддин деган шахс обод қилиб, истироҳатгоҳга айлантирган экан. Шу сабабли ариқ ва боғни Рукнобод деб атаган эканлар. Мусалло ҳам Шероздаги сайргоҳлардан бири.

Фиғон к-ин лўлиёни шўҳу ширинкори шаҳрошуб,
Чунон бурданд сабр аз дилки, туркон хони яғоморо.

Мазмуни: Ширин сўзлару нозу карашмалар билан бу лўлилар шаҳар халқини ўзларига мафтун қилиб қўйишди. Турклар таом тўла дастурхонни олиб кетганларидек, улар ҳам менинг сабру қароримни олиб қўйдилар.

Шуни айтиш керакки, XIII асрнинг биринчи ярмида Эронни забт этган мўғул аскарлари сафида турклар ҳам кўп бўлган. Форсийда сўзлашувчи аҳоли шу сабабли баъзан мўғулларни ҳам «турк» деб атаган.

Зи ишқи нотамоми мо жамоли ёр мустағнист,
Ба обу рангу холу хат чи ҳожат рўйи зеборо.

Мазмуни: Ёрнинг жамоли бизнинг ноқис ишқимизга муҳтож эмас, гўзал юзга пардозу андоз, ўсма-сурма, сунъий холнинг нима кераги бор?!

Бу байт икки маъноли: ҳам мажозий, яъни дунёвий ишқ, ҳам ҳақиқий, яъни илоҳий ишқ назарда тутилади. Зеро, тасаввуф адабиётида ёр деганда худо, унинг гўзаллиги тасвирида аллоҳнинг сифатлари тушунилади.

Ман аз он ҳусни рўзафзунки, Юсуф дошт, донистам
Ки ишқ аз пардаи исмат бурун орад Зулайҳоро.

Мазмуни: Мен Юсуфнинг кундан-кун ортиб бораётган ҳуснидан билдимки, ишқ охири Зулайҳони поклик пардасидан чиқишга мажбур қилади. Чунки жўнонинг ҳусну жамоли қанчалик ошса, ошиқнинг сабру тоқати шунчалик камаяди. Шу сабабли ошиқ расвои олам бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Агар дашном фармои в-агар нафрин, дуо гўям,
Жавоби талх мезебад лаби лаъли шакарҳоро.

Мазмуни: Агар сен менга дашном берсанг ҳам, ғазаб қилсанг ҳам дуогўйман. Бу ширин лабларга аччиқ сўз ҳам жуда ярашади.

Шоир фикрича, маҳбуба тилидан аччиқ сўз эшитиш, бошқаларнинг ширин сўзидан ёқимлироқ.

Насиҳат гўш кун, жоно, ки аз жон дўсттар доранд,
Жавонони саодатманд панди пири доноро.

Мазмуни: Эй, жононим, насиҳатга қулоқ сол, чунки оқилу саодатманд ёшлар доно қариялар пандини жондан ҳам яхши кўришади.

Ҳадис аз мутрибу май гўю рози даҳр камтар жў,
Ки кас накшуду накшояд ба ҳикмат ин муамморо.

Мазмуни: Илму ҳикмат билан ҳеч ким бу дунёнинг сир-асрорини ечолган эмас, ечолмайди ҳам. Ундан кўра маю мутрибдан (созу овози билан ҳаммани мафтун қиладиган хонандадан) гапир, фалак сирларини камроқ қидир.

Бу байт ҳам икки маъноли. Иккинчи маъноси ундаги орифона рамзларни англаганда аён бўлади. Тасаввуф таълимотига кўра, худони илм билан эмас, туйғулар билан англаш мумкин. Илоҳий муҳаббат йўлида риёзат чеккан ва покланган кишигина Оллоҳ васлига ета олади. Майу мутриб ҳам илоҳий ишқ ва унга етиш воситалари рамзидир.

Ғазал гуфтию дур суфти, биёву хуш бихон, Ҳофиз,
Ки бар назми ту афшонад фалак иқди Сурайёро.

Мазмуни: Ғазал айтдингу дур тердинг (сўзга уста одамларга нисбатан шу ибора ишлатилади). Энди келиб, гўзал овозда куйла, Ҳофиз, Фалак сенинг шеъринг тепасидан Сурайё юлдузлари туркумини сочиб юборади.

Машҳур шоирлар баъзан ўз ёзганларидан ички ифтихор туядилар, ўз топилмаларидан «мақтаниб» қўядилар. Шарқ мумтоз шеъриятида бунга мисоллар кўп. Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий ғазалларида ҳам шундай байтлар учрайди. Ҳофизнинг бу байти унинг шеърлари ўша пайтда юксак қадрланганлиги, ўзи эса катта шуҳрат топганидан далолат беради.

ҚУРОЛДОШЛАР ДАВРА ҚУРДИЛАР

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида, юртимиз узра Наврўз нашидаси кезиб юрган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви, Меҳр-шафқат ва Саломатлик жамғармаси ҳамда республика Журналистлар уюшмаси савобли ишга доҳил бўлдилар: матбуотчилар уйида ёзилган байрам дастурхонига иккинчи жаҳон урушида қатнашган журналистларни, шунингдек, касб фахрийларини чорлашди. Қуролдошлар гурунги ниҳоятда мароқли бўлди. Ҳар иккала жамғарма раислари Зиёд Есенбоев ва Шабот Ҳўжаев, республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Бектош Раҳимовларнинг қутлов сўзларида жангчи журналистлар шаънига энг эзгу тилаклар изҳор этилди. Халқ севган ҳофизлар Ҳасан Ражабий, Алижон Эркаев ва бошқаларнинг ёқимли хониши бу табрикларга ҳамоҳанг янгради.

Фурсатдан фойдаланиб фахрийларни суҳбатга тортамиз.

Султон АКБАРИЙ: — Қадрдон биродарларимни соғиниб қолган эканман, бу дийдорлашув ҳаммамизнинг кўнглимизни яшартириб юборди. Шундай тадбир ташкилотчиларига минг раҳмат!

НАЗАРМАТ: — Юртимизда фахрийларга эътибор алоҳидалиги бизни қувонтиради. Бундай муносабат фақат осойишта ва фаровон мамлакатдагина бўлиши мумкин. Мустақилликнинг ойдин йўлидан бораётган Ўзбекистонимиз учун ҳар қанча тажриба ва маҳоратимизни аямаймиз.

Зоҳиджон ОБИДОВ: — Уруш қатнашчиси сифатида кўпгина учрашувларда бўламан. Лекин бугунги мулоқот ҳар қачонгидан зўр ўтди. Барака топгурлар нафақат бу ерга ташриф буюрган фахрийларга, ҳатто марҳум журналистлар хонадонларига ҳам совға-салом улашишди.

Ҳа, фахрийларнинг иззатини жойига қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Улар узоқ ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтдилар. Шукроналар бўлсинким, шу кунларга соғ-омон етиб келиб, шукуҳли давраларда дийдорлашилмоқда. Мўътабар, табаррук отахон ва онахонларимиз олдида мангу таъзимдамиз!

Ш. ЖАББОРОВ.

Суратларда: уруш ва журналистика фахрийлари учрашувидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Кино

АКТЁРЛАР СТУДИЯСИ

Сирдарё вилояти кинолаштириш идораси хайрли ишга қўл урди. Вилоят маданият бошқармаси ва музикали драма театри вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Гулистон шаҳридаги энг йирик «Ватан» кинотеатри қошида "киноактёрлар студияси ташкил этди. Вилоятдаги кино санъати ихлосмандларига ёрдам бериш учун студияга таниқли актёр ва режиссёр Адҳам Юсуфалиев раҳбарлик қилмоқда. Студиянинг очилиш маросимида республика кинокомпанияси раиси С. Аҳроров, таниқли кинорежиссёр Б. Содиқов, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари, қўшни Жиззах вилоятидан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Бу мамлакатимиз вилоятларида ташкил топган дастлабки студиядир.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛОТ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
— турли рангдаги буёқ ва эмалларни;
— "МТЗ —80" тракторлари учун Минскда йиғилган Д-243 двигателларини ишга тушгувчи (пускач) билан бирга-ликда
СОТАДИ
Телефон: (3712) 35-14-66

Биз билган ва билмаган тарих

«ЧИҒОТОЙ ГУРУНГИ» НИМА ЭДИ?

Зиёлилар, хусусан, филолог-мутахассислар Шўро даврида «Чиғотой гурунги»нинг фаолияти ҳақида қатъий тўхтамга кела олмадилар. Шунинг учун бўлса керак, «Чиғотой гурунги» тушунчаси 14 жилдлик Ўзбек энциклопедиясида берилмаган.

Истеъдодли зиёли Маҳмуд Ҳодиев — Боту («Чиғотой гурунги» қатнашчиси) 1929 йилдаги «Тил ва имло тўғрисида бир неча сўз» мақоласида бундай ёзган эди: «Тил ва адабиётда чиғотойчилик оқимини қанча қоралямоқчи бўлсалар ҳам, бунга муваффақ бўла олмайдилар».

(Маориф ва ўқитувчи» журнали, 10-сон, 10-бет, 1930).

Ўз даврининг пешқадам адабиётшунос-танқидчиси Раҳмат Мажидий фуқаролик ҳуқуқига қайта эга бўлгандан кейин 1974 йилда нашр қилинган «Истеъдод ва бурч» китобида бундай ёзади: «Чиғотой гурунги» ўз атрофига буржуа миллатчи ёзувчиларни, зиёлиларни тўплаган, пантуркизм ғоясини илгари сурган, совет ҳукуматига қарши курашган бир ташкилотдир. Унинг мақсадини ўша даврдаги «Чиғотой гурунги» раҳбарлари томонидан ёзилган кўпгина мақолалар ва уларнинг бажарган ишлари жуда очиқ кўрсатади.

«Чиғотой гурунги» «Совет» ҳукуматига қарши курашган бир ташкилот» бўлган эмас. Аслида иш бундай эди. Туркистон Халқ Маориф Комиссарлиги (комиссар эсер К. Я. Успенский) ташкил қилингач, 1918 йилнинг сентябрь ойигача комиссарлик таркибида биронта ҳам маҳаллий миллат вакили бўлган эмас. Мусулмон уқитувчилар ва маориф ходимларининг 1918 йил августда бўлган I қурултойи қарорида комиссарликда маҳаллий миллатлардан ўн нафари бўлиши талаб қилинган. Ана шу даврда тошкентлик муаллим-зиёлилар, ҳозирги ибора билан ифодаласак, семинар-тўгарак ташкил қилганлар. Бу семинарга Бухородан келган Абдураўф Абдураҳимов — Фитрат ҳам қатнаша бошлаган. Унинг фаоллари: Фитрат (Туркияда ўқиган), Абдулқайюм Рамазоний, Машриқ Юнусов-Элбек, Мўминжон Муҳаммаджонов (Мўмин Кофир), Маннон Мажидий — Уйғур, Мирмулла Шермуҳамедов, Лазиз Азизода, Шорасул Зуннун, Ғулом Зафарий, Тангриқулҳожи Мақсудий, Маннон Рамз, Маҳмуд Ҳодиев — Боту...

Филологик семинар-тўгарак қатнашчилари Фитрат ва Қайюм Рамазонни ўзларига раҳбар қилиб олганлар. Бу семинар-тўгарак ҳар ҳафтада бир марта Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги мактаблар биносида иш олиб борди. Ҳеч қандай дастур ва бошқа ҳужжатлар бўлмаган. 1919 йилда семинар қатнашчилари ўз йиғинларига «гурунг» — «Чиғотой гурунги» деб ном қўйганлар. (Ўзбек тили тушунчаси қўҳна тарихимизнинг 14-15 асрларида «Чиғотой тили» деб ифоланган).

1918 йилнинг сентябрь ойида Маориф комиссарлигида «Турк шўъбаси» ташкил қилиниб, Содиқ Абдусатторов (шўъба бошлиги, татар), Мунавварқори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимий (куп вақт ўтмай ишдан истеъфо берган) ва Оқберган ишлаган. «Турк шўъбаси» комиссарлик ҳайъати учун маҳаллий халқларнинг, асосан ўзбекларнинг маорифга оид турли ташкилий масалалар юзасидан ҳужжатлар ҳозирлаш билан шуғулланган.

1920 йилнинг бошида «Туркий шўъба» ходимлари 15 нафарга етгач, ўзбек, татар ва туркман кичик шўъбаларига бўлинган, қозоқ шўъбаси эса мустақил иш олиб борадиган бўлган. Шу йилнинг охирларида «Туркий шўъба» тугатилиб, «Илмий ҳайъат» ташкил қилинган. Унинг таркибида бир неча ҳайъатлар, жумладан, ўзбек миллий ҳайъати бўлган. Унда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов, Вадуд Маҳмудий, Машриқ Юнусов-Элбек ишлаган. (Мунавварқори Абдурашидхонов комиссарликнинг вакф бўлимига ўтказилган эди).

Ана шу даврда «Чиғотой гурунги» ўзўзидан тарқалиб кетган. Фитрат 1920 йилнинг охирида «Чиғотой гурунги» ҳақида бундай ёзган эди:

— Мен шундай кишиларни танийманки, «Ёзувингизни нечун арабча билан тўлдирасиз?!» — деганимда «арабий бўлғони яхши эмасми?!» — деганлар...

Буларнинг ҳаммаси тил, адабиётимизни яхшигина танимасликдан келган эди. Мана шуларнинг ҳаммасига зарба, исён этмак, шуларнинг ҳаммаси билан курашмак учун еш ва йигит бир куч 18-йилга майдонга келди. Бу — чиғотой гурунги эди.

«Чиғотой гурунги» атрофига тўпланган кишиларнинг илгари сурган фикрлари қуйидагилар эди:

1. Тилимизнинг тугал, юксак санъаткор бир адабиёти бор, тилимизнинг адабийлиги арабликда эмас, ўзидадир. Шуни тиргизмак керак!

2. Тилимизни ёт сўзлардан қўлдан келганча тозаламоқ керак.

3. Адабиётимизни юксалтмак учун бурунги санъаткор шоирларимизнинг ўлмаган ва ўлмас нарсаларидан фойдаланмоқ ҳам тараққий қилгон улуслар томонидан орога солингон умумий масалаларга эришмак керак.

4. Тилимизнинг қоидаларини татарча ёхуд ўсманлича қоида китобларидан эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ керак. Шунинг учун халқ оғзида юргон сўзларни, халқ адабиёти бўлгон эртаклар, мақоллар, лапарларни йиғиб текширмак лозим». («1921 йил январда бўлгон I ўлка ўзбек тил ва имло қурултойининг чиқаргон қарорлари»).

«Чиғотой гурунги» қатнашчилари орасидаги тил, алифбо-имло билан кўпроқ шуғулланувчилар «Имло тўдаси»ни ташкил қилиб, ўз мақсадларини «Тил билан ёзувимизни белгили бир йўлга қўйиб, юксалмоқ учунгина қурултой» деб белгилаганлар.

1919 йил 26 декабрда Русия Халқ Комиссарлар Совети Раисининг имзоси билан Русияда саводсизликни битириш тўғрисида Декрет чиқади. Бу Декрет Русия таркибидаги Туркистон Мухтор жумҳуриятига ҳам алоқадор эди. «Чиғотой гурунги» қатнашчилари 1918 йилдан бошлаган ишлари, яъни араб алифбосини ислоҳ қилиш юзасидан қилган ишлари асосига (улар анъанавий араб алифбосининг ислоҳ қилиниши ва имлоси билан халқни тезда саводхон қилиш қийин эканлигини тушунар эдилар) 1919 йил 19 декабрда Туркистон Халқ Маориф Комиссарлигининг «Турк шўъбаси» билан биргаликда «Тил ва имло қурултой»ни ўтказган. Бу қурултойда ўзбек тилида унли товушлар, араб графикасини ислоҳ қилиш, араб ва форс тилидан ўзбек тилига ўтган сўзларнинг имлоси масалалари муҳокама қилинган.

Қурултойда муҳокама қилинган масалаларнинг ҳаммаси ҳам «Чиғотой гурунги» қатнашчилари ўйлагандек натижа бермаган, чунончи, алифбо ва имло масаласига комиссарлик ходимлари М. Абдурашидхонов ҳамда Салимҳон Тиллахоний анъанавий алифбо ва имлони ислоҳ қилишга қатъий эътироз билдирганлар. Натижада кенгаш иштирокчилари икки гуруҳга: «Янги имлочилар» («Чиғотой гуруҳи» қатнашчилари) ва «Эски имлочилар»га (Мунавварқори бошлиқ) бўлинганлар.

Кенгашда кўпчилик овоз билан қуйидаги қарорларга келинади: арабча ҳарфлар, сўзнинг қаерида келишидан қатъи назар, икки хил шаклда ёзилади: ҳарфнинг алоҳида кўриниши ва сўз бошидаги шакли (ўзбек тилидаги анъанавий араб ҳарфларининг шакли 1902 йилда Саидрасул Саидазизов кўрсатганидек, 106 хил эди) мазкур кенгашда 50 хилга келтирилади.

Арабча ва форсча сўзлар анъанавий қандай ёзилса, ўзбек тилида ҳам шундай ёзилади. (Масаланинг бундай ҳал қилиниши хат-савод ўргатишнинг қийинлашишига ва имлодаги ҳар хилликка йўл очиб берган). 1919 йилда «Чиғотой гурунги» ташаббуси билан ўтган имло қурултойининг аҳамияти шундаки, ўзбек халқи маданияти тарихида биринчи марта тил ва имло масаласи расмий анжуманда ўртага қўйилади ва муҳокама қилинади, бу муҳим масалага жамоатчиликнинг фикри жалб қилинди. Мазкур қурултойнинг натижаси уларок «Чиғотой гурунги»нинг «имло тўдаси» ҳозирлаган «Битим йўллари» Маориф Комиссарлигининг рухсати билан 1919 йилда нашр қилинди, «Чиғотой гурунги» томонидан тарқатилди.

«Чиғотой гурунги» қатнашчилари инқилобдан аввалги ўзбек адабий тили феодал давридаги, эски ўзбек тилининг давоми бўлиб, жонли тилдан узоқ бўлганлигини, 1905-1917 йилларда нашр қилинган даврий матбуот саҳифаларида халқ тушунмайдиган арабча, форсча, татарча каби сўзлар, грамматик шакллар уринсиз қўлланаётганлигини ҳис қилганлар. Улар «тил билан ёзувимизни белгили бир йўлга қўйиб юксалтмоқ учун» курашганлар. Бу йўналишда ўзбек тили лугатини бойитиш соҳасида ҳам иш олиб борганлар. (Кексаларнинг гувоҳлик беришича, гурунгнинг ҳар бир йиғилишига унинг қатнашчилари 2-3 янги сўз топиб келишлари талаб қилинган). Бу соҳада, оз бўлса ҳам, ижобий иш қилганлар, чунончи: она тилига оид, бутун (бутин), қушимта (қўшимча), ясама, қаратқич, қаралмиш, туруш (тиниш) белги, турдош исм, бошлангич каби сўзлар ўша йиллари пайдо бўлган.

Аммо «соф тил»ни орзу қилиб, неча асрлар давомида қўлланиб келинган айрим арабча ва форсча сўзлар ўрнида ҳам «янги сўзлар» топиб ишлатишга беҳуда уринганлар: арабча китоб сўзи Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида кўп қўлланган:

Китоб қадрини ма билиглиг билир,
Укушсуз кишидан один не келир.

Бу гапдаги умумҳалқ мулкига айланган китоб сўзини гуруҳ қатнашчилар битик, мактабни ёзмоқ, имлони битим, адабиётни ёзгич («Гўзал ёзгичлар», тўплам), қаламни биткич каби ўзлари ясаган сўзлар билан алмаштирмоқчи бўлганлар. Тошкент шаҳар маориф бўлими 1920 йилда «Бошлангич эл ёзоқларининг сабоқ тузуги»ни мактабларга тарқатган. Ўзлари сўз ясай олмаган кўп ҳолларда меросга мурожаат қилганлар, чунончи: дунё — ожун, халқ — улус, эл, раҳмат — қуллуқ, гишт — керпич ва бошқалар.

Хулоса шуки, ўз даврида «Тил ва имлоъмиз учун анчагина яхши хизматлар қилгон «Чиғотой гурунги» томонидан майдонго отилгон қоидалар»ни (Боту, 1929 йил) мустақил Ўзбекистонда эркин ўрганишга ва ундан сабоқ олишга эришдик.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ.

ТАШКИЛОТ
НИСБАТАН АРЗОН НАРХЛАРДА
— саноат қурилмалари ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун турли ўлчамдаги ҳаракатга келтирувчи камарларни;
— "ГАЗ" русумидаги барча автомашиналарнинг бензин насосларини
СОТАДИ
Телефонлар: (3712) 55-84-90, 55-89-50.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.